

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1994 йил 12 ноябрь • шанба

№ 85 (10.662). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ УКРАИНАГА ЖўНАБ КЕТДИ

10 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий давлат ташрифи билан Украина пойтахти Киев шаҳрига жўнаб кетди.

— Ўзбекистон билан Украинани мустақиллик йўлидаги буюк ва олижаноб мақсадларнинг муштараклиги бирлаштириб туради. — деди Президент журналистлар билан суҳбатда. — Катта имкониятларга эга ушбу мамлакат билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш мақсадга мувофиқдир. Биз ташриф давомида давлатларимиз ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, маданий

соҳада ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда ташқи сиёсатда ўзаро келишувга бағишланган бир қатор муҳим ҳужжатларни имзолашни кўзда тутаямиз.

Тошкент аэропортида мамлакатимиз Президентини республика Олий Кенгаши Раиси вазифини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Гуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎЗА).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

10 ноябрь. (ЎЗА махсус мухбири Мухаммад Шариф Киевдан хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Киевга келди. Ўзбекистон ва Украина Республикаларининг байроқлари ҳилпираб турган "Борисполь" аэропортида юксак мартабали меҳмонни Украина Республикаси Бош вазири В. Масол, мамлакат ташқи ишлар вазири Г. Удовенко, Украина Президенти маъмурияти раҳбари Д. Табачник ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ушбу ташриф мамлакатимиз раҳбарининг Украинага иккинчи сафаридир. 1992 йилнинг август ойида Ислон Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси давлат ташрифи билан Киевга келган, сафар давомида кўплаб муҳим ҳужжатлар имзоланган эди. Жумладан, Ўзбекистон ва Украина ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари ҳақидаги шартноманинг имзоланиши икки мустақил мамлакат тарихида янги саҳифа очган эди.

Давлатлараро муносабатларини, Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришда алоҳида хизмати учун Ислон Каримов Украина Президентининг эҳтиром фахрий нишони билан тақдирлангани ҳам ёдимизда. Бу эгамен давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда ҳамкорлик йўлидаги интилишларига берилган холис баҳодир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Украинага иккинчи давлат ташрифи икки йил аввал асос солинган ана шу муносабатларни юқори поғонага кўтаришга ва манфаатли ҳамкорликнинг янги уфқлари очилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон раҳбари ва мамлакатимиз расмий делегация аъзолари тушган автомашиналар карвони "Борисполь" аэропортидан қадимий Киев кўчалари бўйлаб Мариин саройи сари йўл олди. Муҳташам сарой майдонида Президент Ислон Каримовга Украина Президенти Леонид Кучма пешвоз чикди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Киевдаги "тиғиз иш куни" Мариин саройидаги расмий учрашувлар билан бошланди. Мазкур саройнинг мовий залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

Украина Республикаси Вазирлар Маҳкамасида эса Ўзбекистон билан Украина расмий делегациялари ўртасида ҳукуматлараро музокаралар бошланди. Унда икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Шу куни Ислон Каримов ва Украина Бош вазири В. Масол ўртасида мулоқот бўлди.

Учрашувлар ва музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Украина республикалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Украина Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлик дастури тўғрисидаги протокол имзоланиши кўзда тутилган.

11 ноябрь. (ЎЗА махсус мухбири Мухаммад Шариф Киевдан хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Украинага ташрифининг биринчи куни ниҳоятда самарали бўлди. 10 ноябрь куни Мариин саройида ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон ва Украина республикалари ўртасида давлатлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Украина республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликларнинг асосий йўналишлари ҳақидаги баённома, Ўзбекистон ва Украина республикалари ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама солиқ олмаслик ҳақидаги, шунингдек Ўзбекистон ва Украина республикалари ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Мазкур ҳужжатларни мамлакатимиз Президенти И. Каримов билан Украина Президенти Л. Кучма имзоладилар.

Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари ўртасида 1995 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга эса республикамиз бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин билан Украина Бош вазирининг ўринбосари В. Пензиник имзо чекидилар.

Шу куни Ўзбекистон ва Украина Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов билан Г. Удовенко Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Украина республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик дастурига имзо қўйдилар.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАЛОС, ЎТОВЛАР — ОСИЁ ВА ОВРУПОГА

• ТҶЙТЕПА. Хўжалик ҳисобидаги давлат ишлаб чиқариш корхонаси 1990 йилда ташкил топган бўлиб, бу ерда асосан аҳолидан ва хўжаликлардан йиғиб олинган тери ва жун маҳсулотлари қайта ишланади. Корхонада тайёрланаётган гулли палос, полга тўшаладиган намат, ўтовлар сифати талабга жавоб бераётганлиги учун ҳам харидоргир бўлмоқда. Корхона Осие ва Овруподаги Туркия, Венгрия, Беларусия, Хиндистон, Эрон, Голландия давлатлари билан шартнома асосида бевосита савдо-сотиқни йўлга қўйган. Бу эса туман савдо шохобчаларини мол айирбошлаш асосида турли халқ эҳтиёжига зарур моллар билан тўлдириш имконини бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида ана шу йўл билан Грузиядан 10 тонна чой, Қирғизистондан 15 тонна олма, 3 тонна мандарин, 2 тонна совун, 1,5 тонна кир ювиш воситалари, Қўқондан эса аёлларнинг бежирим арзон туфлилари олиб келиб аҳолига сотилди. Корхона директори Умрукул Мусулмонкуловнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда бу ерда қайта ишланаётган тери ва жун маҳсулотлари Қўқон, Тошкент, Самарқанд каби республикамизнинг қатор шаҳарларидаги тери ошлаш заводларига ҳам етказиб берилмоқда.

М. ҲАЙДАРОВ.

КОРХОНА ИХТИРОЧИЛАРИ

• ЧИРЧИК. Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводида материаллари ва ёқилгининг энергия ресурсларини тежашга қаратилган ихтирочилар танлови ўтказилди. Унда 58 нафар ишчи қатнашди. Тушган 87 таклифнинг 57 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу 263 минг сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олиш имконини берди. Шунингдек 333,5 тонна пўлат, 26,5 тонна зангламайдиған пўлат, 520 минг 715 киловатт-соат электр қуввати иқтисод қилинди.

Конструктор Идрис Жемилонинг таклифи энг яхшилардан бири деб топилди. Бу таклиф автоклавлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартиради. Шу туфайли ўнлаб тонна қимматли металл иқтисод қилиш имконини берди.

О. ЛЕВАК.

ҚИРДА БОҒ ЯРАТГАНЛАР

• ЗАНГИОТА. Тумандаги Назарбек қишлоғида яшовчи Абдугаппор Асиров ва Турсунбой Чоршанбоевлар халқ хўжалигида йигирма беш йилдан ошиқроқ хизмат қилишди. Улар ҳозир меҳнат фахрийларидир.

Икки дўст маслаҳатлашиб савобли ишга қўл уришда. Яшаб турган жойларидаги фойдаланилмайдиган баланд қирлик саҳнада 0,40 сотих жой очиб ўзлаштирилди. Ҳалол меҳнат қилиб, 20 метр баландликка сув чиқаришди. Бу ерда ҳар хил мевали дарахтлар экишиб, ажойиб боғ яратилди. Бу боғ меваларидан татиганлар "барака топсин, қўллари дард кўрмасин" — дейишмоқда.

И. СУЛТОНОВ.

КИЧИК ФЕРМЕРЛАР ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁР

• ОҚҚЎРҒОН. Тумандаги "Оққўрғон" жамоа хўжалигида "Тладот" фирмаси ёрдамида сутни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилганлиги ҳақида газетамизда хабар қилган эдик.

Чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш олиб бараётган хўжалик бошқаруви "фермер-фермерга" дастури асосидаги фаолиятни изчил давом эттиришга аҳд қилди.

Яқинда исроиллик мутахассислар билан биргаликда "кичик фермерлар" лойиҳаси ҳам таёрланди. Бундай фермерлар асосан оилавий чорвадорларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг самараси ҳар жиҳатдан юксак бўлиши амалда исботланган.

РЕЗГИЛАРДАН БУЮМЛАР

• ОЛМАЛИҚ гилам фабрикаси йигирма йилдан бери ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида унинг байналмилал жамоаси қўлидан юзларча минг квадрат метр ҳажмда гилам, поёндолар ишлаб чиқарилди. Шу вақт ичида кўпдан-кўп гилам қийтимлари, резгилари оморларда тўпланиб қолди. Уларни нима қилиш керак, ташлаб юборса увол бўлади.

Корхона мутахассисларининг таклифи ва ташаббуси билан бундай резгилардан оёқ кийимлари, рўзгор халтачалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус бўлим ташкил этилди. Унда меҳнат қилаётган ўнлаб ишчлар ҳар куни мингларча сўмлик маҳсулот тайёрлашмоқда. Бу кенг истеъмол буюмлари анча харидоргир бўляпти. Бу билан корхона учун яна бир даромад манбаи вужудга келди. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда бу ҳам жамоа учун ҳарнада.

ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонига кўра бир гуруҳ спортчилар, жисмоний тарбия ва спорт устозлари ҳамда мутахассислар "Шухрат" медали билан мукофотланган ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" унвонларига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ерлиги билан тақдирланган эди.

9 ноябрь куни Тошкентдаги мухташам "Туркистон" саройида XII Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларига ватанимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Маълумки, мамлакатимиз спортчилари Осиё ўйинлари деб ном олган бундай катта халқаро мусобақада биринчи марта катнашганларига қарамай, ажойиб ғалабани кўлга киритдилар — умумхисобда бешинчи ўринни эгалладилар. Футболчиларимиз эса барча ўйинларни ғалаба билан якунлаб, сайёрамизнинг энг катта қитъасининг чемпиони унвонини кўлга киритдилар. Булар Ўзбекистон раҳбарияти спортга кенг эътибор бераётганининг яна бир натижаси. Ўзбекистоннинг барча соҳаларда, жумладан, спорт борасида ҳам кенг имкониятлар мамлакатни эканлигининг исботи. Шу ўринда мустақил юртимизда таъсис этилган дастлабки фахрий нишоннинг номи "Соғлом авлод учун" ордени бўлганлигини, Вазирилр Маҳкамаси қабул қилган қарорлардан бири эса миллионларнинг сеvimли ўйини футболни ривожлантиришга бағишланганлигини эсламай бўладими. Қайсики соҳага давлат миқёсида эътибор бор — унда ривож нақд. Спорт эса мамлакатимизда ана шундай эътиборли соҳалардан бири эканлиги қувончли.

"Туркистон" саройига йиғилганлар — спорт устозлари, фахрийлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ишқивозлар ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган инсонларни яна бир бор юксак ғалаба билан

шарафладилар.

Маросим тантанали очилиб, зал узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов йиғилганларга спортчиларимиз Японияда кўлга киритган улкан ғалаба ҳақида гапириб, улар 40 та медални кўлга киритгани мустақил республикамизнинг катта ютуғи эканини таъкидлади.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан мукофотларни эгаларига топширди.

Ўзбекистон терма командаларининг ҳомийлари ва республика спорт федерацияларининг раҳбарлари Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларига эсдалик совғалари ҳадя этди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан байдаркада эшак эшиш бўйича XII Осиё ўйинларининг уч марта олтин медали соҳибни, Ўзбекистон Республикасида Хизмат кўрсатган спортчи И. Киреев, футбол бўйича Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер, республика терма жамоасининг катта тренери Б. Абдураимов, спорт кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Миллий олимпиада кўмитаси президенти С. Рўзиев ва бошқалар ўзларига билдирилган ишонч учун ҳукуматимиз раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Тантана якунида республикамиз санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Маросимда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Укэру Магосаки, Тошкентда фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар элчи-хоналарининг вакиллари иштирок этди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Она-Ватанимиз тинчлиги ва эл осойишталигини сақлашда, жиноятчиликка қарши мурасасиз кураш олиб боришда ички ишлар ходимларининг хизматлари бекиёсдир. Куни кеча ана шундай шарафли ва масъулиятли касб эгалари ўзларининг байрамларини нишонладилар.

Қибрай туманининг "Дўрмон" жамоа ҳўжалиги боғида милиция ходимларини шарафлашга бағишланган катта тантана бўлиб ўтди. Тантанга вилоят ички ишлар бошқармаси барча бўлим ва бошқармалари, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимларидан меҳмонлар таклиф этилдилар.

Вилоят ҳокими Мирзамурод Икромов барча йиғилганлар, уларнинг оила аъзоларини байрам билан муборакбод этди, уларга эзгу тилаклар билдирди. Ички ишлар бошқарма ва бўлимлари, шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимлари ходимларидан катта гуруҳига фахрий ерликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанада иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Ботир Парпиев ҳам сўзга чиқиб, барча касбдошларини байрам билан муборакбод этди.

Республикамизнинг бир қатор таниқли хонандалари ижро этган энг сара кўшиқлари, сўз усталарининг чиқишлари байрам файзига файз қўшди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 21 октябрдаги 709-сонли буйруғи билан катта адлия маслаҳатчиси Тоҳир Каримович Шукуров 5 йил муддатга Янгийўл тумани прокурори лавозимига тайинланди.

Т. К. Шукуров 1947 йилда тугилган, миллати ўзбек, олий юридик маълумотга эга, прокуратура тармоқларидаги меҳнат фаолиятини 1974 йилдан бошлаган ва унинг турли вазифаларида меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1994 йил 21 октябрдаги 710-сонли буйруғи билан адлия маслаҳатчиси Санжар Ҳакимович Пўлатов 5 йил муддатга Ангрен шаҳар прокурори лавозимига тайинланди.

С. Ҳ. Пўлатов 1956 йилда тугилган. миллати ўзбек, олий юридик маълумотга эга, прокуратура тармоқларидаги меҳнат фаолиятини 1979 йилдан бошлаб, унинг турли йўналишларида ишлаб келмоқда.

• Маҳаллалар ҳаётидан

РАҲМАТ, ТУРҒУН ОТА

КўПНИ кўрган одам ҳаёт мазмунини ўзгача тушуниб, ўзи ҳақида эмас, элни ўйлаб иш юритар экан. Султон Сегизбоев номли маҳалла кўмитаси раиси Турғун ота Мирзакаримов худди ана шундай инсонлардан бири. Бир неча йиллар давомида "Султонобод" жамоа ҳўжалигига раислик қилган, фаолияти мобайнида меҳр, эътибор қозонган бу киши маҳалла сарқори қилиб сайлангандан кейин қатор ўзгаришлар рўй берди.

Аввало, у ёшлар орасида тарбиявий ишларни олиб борадиган, Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг маҳаллаларга кўрсатаётган гамхўрликлари билан боғлиқ фармонлар, қарорларнинг туб моҳиятини тарғиб қиладиган фаолларни атрофига тўплади. Олимлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, муаллимлардан иборат тарғибот гуруҳи турли мавзуларда учрашувлар ташкил эта бошладилар. Ёшлар тарбияси, қайнона-келин муносабатлари, оилаларни мустаҳкамлаш каби турмуш тарзига оид йўналишдаги суҳбатлар билан бирга, "Сиз маҳалла ҳаётини ислох қилишда қандай иштирок этяпсиз?", "Маҳалла хайрия жамғармаси кимларга хизмат қилади?", "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисидаги Фармон нималарни кўзда тутди" каби мавзуларда кечалар уюштирилди. Бу — маҳалла ахлининг ўз ҳуқуқларини, фаолларнинг бурчларини яхши англаб олишларига ёрдам берди.

— Албатта ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўз ҳудудида яшаётган хонадон аъзоларининг юриш туриши, қай даражада турмуш кечираётганлигини яхши билиши керак, — дейди Т. Мирзакаримов. — Биз маҳаллада Президент Фармонлари асосида муҳтож оилаларга ижтимоий ҳимояни кучайтирдик.

Бу ерда отахон бошчилик қила бошлаганидан буён ёшларни ишга жойлаштиришга кўпроқ эътибор берилаетир. 20 нафардан

кўпроқ йигит-қизлар турли ўқув юртиларига юборилиб, касб-ҳунар эгаси бўлиб қайтдилар. Отанинг фикрича, ислохотлар туфайли маҳалла ҳаёти мазмунан бойимоқда. Хусусан, бу ерда очилган кичик корхоналар, цехлар ҳар хил сабабларга кўра уйда ишламай ўтирган, лекин меҳнатга яроқли одамларни ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини яратди. Битта маҳалланинг ўзида кейинги икки йил ичида 50 нафарга яқин киши учун иш жойлари очилди. Бу чиндан ҳам маҳалла фаоллари эришган муносиб ютуқдир. Кишилар ўзларига кўрсатилаётган бундай эътибор ва гамхўрлик учун маҳалла кўмитаси раиси ва унинг фаолларига раҳмат дейишмоқда.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон тумани.

"ЎЗГАЛАР УЧУН ЯШАШ ҲАМ БАХТ"

ҲАР БИР маҳаллада кўпчилик ҳурматиға лойиқ ташкилотчи, тўй-ҳашамларда, маросимларда бош-қош бўлиб юрадиган элсевар кишилар бор. Бундай жонқуярлар туфайли тадбирлар серфайз, мазмунли ўтади. Кўчқор ака Аҳмедовни кўпдан танийман. Тошкент туманидаги "Қизгалдоқ" мавзесининг "Олмазор" маҳалласи оқсоқоли. У бош бўлган маҳалла ҳақида телевидение, радио орқали бир неча бор ҳикоя қилинди. Бу бежиз эмас. Маҳаллани ободонлаштириш борасидаги ишлари билан тумандан танилган фаоллардан ҳисобланади.

Сўнги йиллар ичида бу маҳалла қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Мен ўзим гувоҳ бўлганларимни айтай. Бундан 20-25 йиллар аввал кўрганларим — қингир-қийшиқ кўчалар тартибга солинди. Сув чиқмайдиган ерларга об-ҳаёт келтирилиб хиебонлар барпо этилди. Маҳалла оқсоқоли билан ана шу

ютуқлар ҳақида суҳбатлашар эканман у:

— Бир кишининг кўлидан ҳеч қачон шунча ишлар келмайди, — фаоллар, маҳалла кўмиталари аъзолари барака топишсин, — дея улар ҳақида илиқ гапириб кетди.

Кўчқор ака маҳаллага меҳнати синган Марҳум Зоирхон Жалилов, Йўлдош Гафқоров, Ўқтам Душабоева, Маҳмуджон Сохибжонов, Меҳрихон Қосимова ва бошқа қатор кишиларга тавсиф бериб ўтди. Бу отахонлар маслаҳати билан маҳалла обод бўлди, хушбичим иморатлар бунёд этилди. Мевали дарахтлар экилган равон кўчалар, маҳалла кўрқига-кўрк қўшди. Аҳоли ичимлик суви, газ билан таъминланди. Маҳаллада "Қизгалдоқ" гузари вужудга келди. Савдо шохобчалари, маиший хизмат кичик цехлари, оталар чойхонаси, кутубхона, маҳалла кўмитасининг идора биноси қурилди.

— Маҳалламизда ҳам ўзига хос ислохотлар рўй бермоқда, — дейди К. Аҳмедов, — кишилар дунёкараши ўзгармоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги фармони бўйича кўп ишлар қилинди. Бунда вояга етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси қисман ўз меҳнат қобилиятини йўқотган, хонадонида ногирони еки оғир бемор бўлган оилалар, елғиз пенсионерлар, муҳтож кишиларни қўллаб қувватлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Бундай оилаларни фуқаролар ўз-ўзини бошқарув идоралари, маҳаллалар йиғинлари аниқламоқда. Бизда 20 нафар оила шундай ёрдамдан баҳраманд бўлди.

Бу маҳаллада эътиборга сазовор ишлардан яна бири шуки, тўйлар, маросимлар ихчам, сермазмун ўтмоқда. Албатта бунда "Ўзгалар учун яшаш ҳам бахт" дея сндқидидан фаолият юргизаётган Кўчқор аканинг хизматлари айниқса катта.

Х. ЙЎЛДОШЕВ,
Меҳнат фахрийси.

О Б У Н А - 9 5

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

Барча алоқа бўлимларида "Тошкент ҳақиқати" газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.

Обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ
ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ
УЧ ОЙГА — 66 СЎМ

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

Энг арзон идоровий нашр — "Тошкент ҳақиқати" дир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нарҳдадир.

Обуна мавсумида фаолият кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига етгач, ғолибларга топширилади.

"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"
нашр кўрсаткичи — 64672.

ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



"Гулзоробод" жамоа ҳўжалиги (Чиноз тумани) пахтакорлари йиллик режани бажардилар. Уларни ўз касбдошларининг меҳнат ютуқлари ҳақидаги янгиликлар ҳам қизиқтиради.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ТАБИАТ ВА ИНСОН

ХУДУД ЭКОЛОГИЯСИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ муҳим ҳудудларида экологик аҳволни мажмуий ўрганиш вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси коллегиясининг кун тартибидagi муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Уни муҳофаза қилиш довомида табиатни муҳофаза қилиш имконини янада яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланади ҳамда уларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилди. Коллегиянинг навбатдаги йиғилишида Янгийўл ҳудудидаги экологик фаолият атрофлича муҳофаза қилинди.

Бу ҳудудда кўплаб тадбирларни амалга ошириш натижасида атроф-муҳитни ифлос қилиш даражаси анча камайди. Оқавалар миқдори деярли 1,5 миллион куб метр кискарди. Ҳозирги вақтда ҳажми 25 миллион куб метр ҳажмдаги бундай оқаваларнинг 22,5 миллион куб метри меёр даражасида тозаланмоқда. Сувдан қайта фойдаланиш ҳам кенгайиб бораётти. Шу мақсад йўлида амалга оширилган тадбирлар натижасида сувни қайта ишлатиш 745 минг куб метрни ташкил этди. Шу йилнинг биринчи ярмида корхоналар сувни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга 514 минг сўм маблағ сарфландилар.

Чунончи, Янгийўл биокиме заводида қатор тозалаш иншоотлари қурилди. "Водоканал" корхонасида бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Аэроция станциясида оқаваларни механик ва биологик тозалаш иншоотлари тўла таъмирланди, янги каналлаштирилган қурилиши бошлаб юборилди. Ёғ-мой комбинати ва "Лаззат" қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида сувни қайта фойдаланиш тизимлари қурилиши учун олинган асбоб-ускуналар ўрнатилмоқда. Бу ҳар йили 500 куб метр сувни тежаш имконини беради. Металлпластмасса заводида ҳам шундай тизимни қайта қуриш режалаштирилган.

Бирок коллегия мажлисида Янгийўл ҳудудида сув қонунчилигини бузиш ҳоллари ҳамон давом этаётганлиги қайд қилинди. Бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Айрим корхоналар раҳбарлари тозалаш иншоотларини қуриш ўрнига атроф-муҳитни ортиқча ифлос қилганлиги учун жарима тўлаш каби усулдан воз кечмаяптилар. Чунки, бу уларга арзонга тушмоқда. Ваҳоланки, гап жарима ундиришда эмас, табиатнинг мусоффолигини татминлашда боради. Демак ҳар бир корхона ва ташкилот тозалаш иншоотлари қурилишига эътиборни кучайтириши керак.

"Новомихайловка" давлат бўрдоқчилик заводида тозалаш иншоотлари қурилиши ҳамон ниҳоясига етказилмаяпти. Уни фойдаланишга топшириш йилдан

йилга ўтказилди. Бунинг оқибатида завод атроф-муҳитни кўп миқдорда ифлослантди. Шу туфайли ҳам ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси корхона рўйхатдан

фоизини қаттиқ моддалар, 8,5 фоизини газ кўринишидаги ва суюқ моддалар ташкил этади. Заҳарли моддаларни чиқаришни камайтириш муҳим вазифадир. Деярли барча корхоналар бу йўлдаги ишларни кенг кўламда давом эттиришлари зарур.

Ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси табиатни ифлосланттирувчи манбаларни камайтириш учун тинмай курашмоқда. Уни бузувчиларга қарши курашда эса ҳам қонуний, ҳам иқтисодий чоралардан фойдаланилмоқда. Шу йилнинг ўтган 9 ойида корхона-ташкilotлар

ҳўжаликларидида алмашлаб экиш 80 фонзга борди. Қишлоқ ҳўжалик экинлари зараркундаларига қарши биологик усуллар ишлатилган майдон 2100 гектарга етди. Минерал ўғитларни ҳар гектар ерга солиш эса бир неча баравар камайди. Бундан ташқари, яроқсиз ерларнинг 200 гектардан ортиқроғида экин экилди.

Мажлисида таъкидланганидек, Янгийўл ҳудуди экологлари қатор ташаббуслар билан чиқдилар ҳамда жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишларни амалга

УШБУ СОНДА:

• ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ ВА ТУМАНИДА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ИШЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?
• ОБИ-ҲАЁТ МУСАФФОЛИГИНИ

ТАЪМИНЛАШ — ҲАММАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ
• ЛУБ ЗАВОДЛАРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?
• ОЛАМ ГАРОЙИБОТЛАРИ.

ўтказишга салбий ҳулоса берди.

Ҳудудда яна бир муҳим табиатни муҳофаза қилиш тадбирини рўйга чиқариш судралмоқда. Қабул қилинган лойиҳага мувофиқ биокиме заводининг оқавалари шаҳар тозалаш иншоотларига қуйилиши ва шу ерда охиригача тозаланиши керак эди. Ҳозирги вақтда эса бундай ифлос оқавалар Салар каналига тушмоқда. Оқибатда унинг сувидaги заҳарли моддалар миқдори белгиланганидан анча кўп бўляпти. Завод раҳбарлиги эса оқаваларни тўла тозалаш учун шаҳар тозалаш иншоотларига оқизишни пайсалга солмоқда.

Янгийўл ҳудудида атмосфера ҳавосини тозалаш бўйича кўпгина муаммолар бор. Бу ерда 33 корхона ишлаб турибди. Ҳавога заҳарли моддаларни чиқарувчи манбалар деярли 1200 тага етган. Уларнинг фақат 234 таси - газни тозалаш қурилмаси билан ускуналанган, 45 таси шундай қурилмага муҳтож. 1993 йилда атмосферага ҳаммаси бўлиб 3720 тонна заҳарли моддалар чиқарилди. Айрим корхоналар бу соҳада муайян ишларни олиб боришяпти. Қўрилган тадбирлар туфайли ёғ-мой комбинатида атмосферага чиқиндилар чиқариш 80 тонна, мебель фабрикасида 120 тонна, биокиме заводида 150 тонна камайди.

Умуман ҳудуд бўйича зарарли моддаларнинг деярли 54 фоизи тозаланмоқда. Уларнинг деярли 90

раҳбарларидан 40 кишига жарима солинди ёки улар оғоҳлантдирилди. Олинган жарима миқдори 4270 сўм бўлди. Меъёрдан ташқари чиқиндилар чиқаргани ва меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида олмаганлиги учун табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасига 1,5 минг сўмга яқин маблағ тушди.

Мажлисида заҳарли моддаларни чиқарувчи кўчма манбаларнинг кўпайиб бораётганлиги қайд қилинди. Ҳозирги вақтда ушбу ҳудудда 6 та автотранспорт корхонаси ва жамоа ҳамда давлат ҳўжаликлари, йирик саноат корхоналарига қарашли 22 та гараж бор. Умуман давлат шўъбасида салкам 3,5 мингта автомашинадан фойдаланилмоқда. Бунинг устига бу ердан ҳар куни минглаб автомашиналар ўтади. Буларнинг ҳаммаси ҳавони ниҳоятда ифлослантди. Шунга қарамай, ёнилгининг атроф-муҳитни кямрок булғатувчи турларидан фойдаланиш ниҳоятда паст даражада. Автомобилларнинг 11 фонзидан сал ошиқроғи газ билан ишлашга ўтказилди. Шунинг ўзи ҳам чиқиндиларни бир неча тонна камайтириш имконини беради. Шундай бўлгач автомобилларни газ асосида ишлашга ўтказишни кенгайтириш лозим.

Ер ресурсларини муҳофаза қилишга қаратилган айрим ишлар амалга оширилди. Янгийўл тумани

оширишга эришдилар. Уларнинг "Наврўз" байрамини ободонлаштириш ишларини кенг кўламда бажариш билан кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббусларини вилоятимиз аҳолиси кизгин қўллаб-қувватлади. Бу ердаги маҳаллаларнинг фахрийлари вилоятимизда биринчи бўлиб баҳорда тераклар экишни бошлаб беришди ва барча туманлар меҳнаткашларини муҳим қурилиш материали бўладиган шундай дарахтлар экишни кенгайтиришга даъват этдилар.

Коллегия мажлисида ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолиятида мавжуд бўлган қатор камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳамон давр талаблари даражасида олиб борилмаётганлиги, бу соҳа бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг муддатидида ва сифатли амалга оширишга эришилмаётганлиги, табиатга зарар келтираётган манбаларни камайтириш юзасидан истиқболга мўлжалланган дастурнинг тўла амалга оширилиши таъминланмаётганлиги таъкидланди. Мажлисида муҳофаза қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш Янгийўл ҳудудида экогик аҳволни яхшилашга, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этишга, умуман табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини янада жонланттиришга ёрдам беради.

• Китоблар оламида

ЎҚИНГ, ЖОРИЙ ҚИЛИНГ

"ГИШТнинг манзарали ва ўтга чидамли хусусиятларининг оширилиши" — яқинда нашр этилган бу китобда қимматли бинокорлик материали ҳисобланган гиштнинг сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган қимматли фикрлар баён этилган. Шуниси диққатга сазоворки, бу рисола муаллифи бўлган техника фаилари номзоди Т. Эргашев, мутахассислар Р. Волишев ва Б. Нудельманлар ишлаб чиқариш чиқиндиларидан турли бинокорлик материаллари, шу жумладан гишт ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ҳақида ҳам ёздилар. Рисола шу жиҳатдан ҳам кизикарлидир.

Маълумки, сўнгги йилларда сополдан деворбоп материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган анъанавий хом ашёнинг тақчиллиги тобора кучли сезилмоқда. Кўпгина корхоналар барқарор хом ашё баасига эга эмаслар, бу маҳсулот ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Асарда эса корхоналарнинг кўпгина чиқиндилари ва конлардан маъданлар билан бирга қазиб олинаётган, бироқ ташлаб юборилаётган маҳсулотлардан кенг кўламда арзон ва юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда хом ашё ва қўшимча сифатида фойдаланиш бўйича мамлакатимиз ҳамда чет элларда эришилган ютуқлар кенг еритилган.

Муаллифлар екилги корхоналарининг кул-шлаклари, кўмирни саралаш натижасида ажралиб чиққан чиқиндилар, фосфоганч, саралаш фабрикалари қолдиқларидан бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳажминини кенгайтиришнинг асосий йўналишларини баён қилиб берадилар. Бундай хом ашё ва чиқиндилар вилоятимизда кўп миқдорда бор. Улар катта ер майдонларини эгаллаб ётипти.

Кўмир қазиб чиқариш чиқиндилари, вагран печлари, чўянқуюв ишлаб чиқариши, фосфор ва мис эритишда ҳосил бўлган қолдиқни муайян миқдорда қўшиш билан юқори сифатли, ҳатто сирли копламалар учун ҳам ишлатилиши мумкин бўлган гишт олишга эришилади. Қайта шундай чиқиндилардан фойдаланиб исталган рангдаги манзарали бў-юмлар олиш, 1000 хароратгача чидайдиган гишт ҳосил қилиш мумкин. Бундай гишлар эса юқори иссиқликда ишловчи агрегатларга коплама сифатида ишлатилади.

Рисола муаллифлари шундай хулосаларга келгунга қадар кенг кўламда тадқиқот ва тажриба-синов ишларини амалга оширдилар. Шу сабабли ҳам асар амалиётчилар учун катта аҳамиятга эгадир.

Ч. ИБРОҲИМОВА.

Муштарийлар тақлиф қиладилар

ҲОЗИР ҳазонрезгилик авжига чиққан пайт. Кунлар совуши билан дарахт барглариининг тўкилиши янада кучайди. Айрим жойларда ҳазон ер юзасини кўрпадек қоплаб олди. Бу табиат қонуни.

Лекин, бизни ташвишга солаётган бошқа масала бор. Кейинги вақтларда ҳазонни еқиб юбориш ҳоллари кўпайди. Бамисоли ёнганидан тушган кулп ўғит бўлармиш. Шундай бўлиши мумкин, уни инкор қилиб бўлмайди. Бироқ еқиб юборишнинг ҳавога, инсон саломатлигига салбий таъсирини ҳам унутмаслик керак. Бизнингча, тарозининг бу палласи босиб кетади. Чунки, у аввало, инсон соғлиғи билан

боғлиқ.

Ҳазонни еқиб оқибатида ҳосил бўлган аччиқ ва заҳарли тутун ҳавога тарқалади. Нафас олганимизда димоғни ачитади. Бирдан нафаснинг қисилишига олиб келади. Айниқса, у бронхит касаллари бор хасталар учун ҳафлидир. Соғлом одамда эса у шундай касалликларни пайдо қилиши мумкин.

Айтадиган фикримиз шуки, ҳеч қаерда ҳазонни еқмайлик. Мумкин бўлган жойда ўрмонлар, дарахтзорларда, боғларда шундай қолдирайлик, у турган жойида табиий ўғитга айланади. Шундай имконият бўлмаса, албатта, уни тегишли жойда

тўплаш ва ташиб олиш лозим. Ҳатто, чорвага озуқа сифатида берса ҳам бўлади. Ота-боболаримиз шундай қилиб келишган-ку! Айрим, айниқса, мевали дарахтларнинг барглари яхшигина озуқа бўлиши мумкин. Тақлифимиз шуки, ҳазонни бўлар-бўлмас жойда еқишга чек қўйлик. Бу чора ҳам табиатимиз, унинг таркибий қисми бўлган биз нафас оладиган ҳазонинг мусоффо бўлишига олиб келишини унутмайлик.

А. ИБОДОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.



• Мутахассис минбари

СУВ ҲАВЗАЛАРИ ИФЛОСЛАНМАСИН

СУВНИ оби-ҳаёт, деб бежиз айтишмайди. У бор жойда ҳаёт бўлади. Шунинг учун ҳам ўтроқ халқлар қадим-қадим замонлардан сув ҳавзалари атрофида яшашган. Вилоятимиз аҳолиси ҳам ана шундай оби-ҳаёт манбаларининг соҳилларида яшашни ҳуш кўрадилар. Лекин, кейинги вақтларда бу анъана корхоналар, хўжаликларга ҳам хос бўлиб қоляпти. Улар сув ҳавзаларига яқин майдонларга жойлашиб келдилар ва жойлашмоқдалар. Бу узоқ йиллар давомида дарё-каналлар сувининг ифлосланишига олиб келди.

Шунинг учун ҳам сув хўжалигини яхшилашга қаратилган шоялини чоралар кўрилмоқда. Бу ҳақда ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилда сувни муҳофаза қилиш минтақалари, сув омборлари ва бошқа ҳавзалар, катта каналлар, коллекторлар шунингдек ичимлик ва рўзгорни таъминлаш учун, даволаш ва маданий соғломлаштириш вазифаларига хизмат қилувчи сув манбаларини муҳофаза қилиш тўғрисида махсус низом қабул қилди.

Вилоятимизда Вазирлар Маҳкамасининг бу қарорини амалга ошириш юзасидан муайян чоралар кўрилди. Биринчи марта Чирчиқ, Оҳангарон ва бошқа дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақаларидаги объектлар рўйхатга олинди. Натижада шу маълум бўлдики, Чирчиқ дарёси ва унинг сувни муҳофаза қилиш минтақаси ҳамда қирғоғига яқин жойларда 218 та объект бор экан. Оҳангарон дарёси бўйича бу кўрсаткич 141 тани ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ барча дарёлар ва каналларнинг сувни муҳофаза қилиш минтақаларини аниқлаш ва шу асосда экологик аҳволни яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Кейинги йилларда Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоят сув хўжалиги бошқармаси, "Ўзгипрозем" лойиҳалаш институти ва бу қарорни бажариш билан шуғулланиши лозим бўлган бошқа идоралар билан ҳамкорликда муайян ишларни қилдилар.

Ҳозирги вақтда вилоят сув хўжалиги бошқармасининг буюртмаси бўйича "Ўзгипрозем" институти Оҳангарон дарёсига туташган 16 та канал ҳамда Тошкент сув омбори бўйича объектларни ҳисобга олиш ишларини бажарди. Текширилган барча сув манбаларининг узунлиги 863 километрни ташкил этди. Лойиҳачилар картографик материаллар ва тушунтириш хатларини туздилар. Уларда сувни муҳофаза қилиш минтақаларининг майдонлари батафсил таҳлил қилинган.

Шу материаллар асосида 16 та канал ва Тошкент сув омбори тадқиқот қилинди. Натижада Тошкент вилоят ҳокимлиги юқорида кўрсатилган сувни муҳофаза қилиш минтақаларини тасдиқлаш ва уларни республика Сув хўжалиги вазирлиги тизими ихтиёрига бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундай минтақаларни тадқиқот қилиш ишлари ҳали давом этмоқда. Ҳозирги вақтда 418 та хўжаликлараро каналлар бўйича шундай ишлар олиб бориляпти. Уларнинг умумий узунлиги деярли 2,5 минг километрни ташкил этади. Бундан ташқари 550 километр узунликдаги коллекторлар текширувдан ўтказилмоқда. Уларнинг кўпчилиги қисми бўйича ҳужжатлар тайёрлаб қўйилди ва кўриб чиқиш учун туман ҳокимликларига тақдим этилди. Йил охирига келиб эса бу ҳужжатлар тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлиги ҳукмига ҳавола этилади. Вилоятимиздаги барча сув манбалари бўйича муҳофаза қилиш минтақаларини белгилаш тугатилиши билан бу соҳадаги ишларга чек қўйилмайди. Унинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилади. Бу босқичда эса шундай минтақалар ҳозирги ердан фойдаланаётган корхона, ташкилотлардан халос этилади, яъни бундай объектларни кўчириш чораларини кўришга киришилади. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳаёт манбаи бўлган сув ҳавзаларининг тозаланиши яхшилашга хизмат қилиши билан ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

З. ЯРУЛЛИНА,
муҳандис эколог.

• Муштарий бонг уради

ОБЛИК сўлим ва кўкаламзор кишлоқ ҳисобланади, табиати жозибали, боғ-роғлари бисёр. Бу ерда минглаб аҳоли яшайди. Улар етиштираётган мевалар, сабзавотлар асосан ангрениклар дастурхонига етказиб берилмоқда.

Лекин, кейинги йилларда унинг табиатига — ҳавосига, сувига муайян даражада зарар етказилмоқда. Бунинг сабаби Ангреник шаҳрининг кишлоққа яқин жойлашган корхоналари чикиндиларидир: "Ўзбекрезинотехника" ишлаб чиқариш бирлашмаси, асфальт заводи ва картон фабрикасининг дудбўронларидан кўпинча бурқиб чиқиб турадиган тўти эсаётган шамол таъсирида кишлоқ устига ёйилади. Бу кишлоқ табиатига катта зарар келтирмоқда. Етарли тозаланишдан ҳавога чиқариб юборилаётган тўти таркибидаги турли заҳарли моддалар боғларга,


экинзорларга путур етказмоқда. Бундай аҳвол ҳақида турли оммавий ахборот воситаларида кўп чиқишлар қилинди. Натижада бу корхоналар

бўлмапти. Корхоналар ҳамон атроф-муҳитни ифлослантиришининг йирик манбалари бўлиб қолмоқда.

Бу корхоналар раҳбарлари ҳозирги иқтисодий кийинчиликларни рўқач қилишга одатланиб қолишган. Албатта, буни инкор этиб бўлмайди. Лекин қаловини топсанг қор ҳам енади, деганларидек, имкониятларни кидириш ва улардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш лозим. Ўзлари раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаларининг кўпчилиги шу кишлоқда яшовчи кишилар эканлигини ҳам унутмасликларини зарур. Атроф-муҳитнинг мусоффолиги эса аҳоли саломатлиги гаровидир. Шундай бўлгач табиат муҳофазаси бўйича кент кўламада амалий ишга ўтиш керак.

Т. ШЕРАЛИЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"нинг жамоатчи муҳбири.

ТОКАЙГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ



Табиатимизнинг бу манзаралари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

В. ТАРАН олган суратлар.

• Сўраган эдингиз

ЖАМҒАРМА НИМАЛАРГА САРФЛАНМОҚДА?

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси тузилганига бир йилчадан ошди. Шу даврда бу жамғармага қанча маблағ тушди, улар нимага сарфланмоқда? Шу ҳақда қисқача маълумот беришимизни илтимос қилардик.

М. МАҲМУДХҲҲАЕВА,

Чирчиқ шаҳри.

ТОШКЕНТ вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида бундай жамғарма ўтган йилнинг июнь ойида ташкил этилган эди. Унинг ҳисобига чикиндиларни меёридан ташқари атроф-муҳитга чиқарганлиги, зарарли моддаларни оқавалар билан оқизганлиги, ишлаб чиқариш чикиндиларини меёридан ташқари жойлаштирилганлиги учун тўловлар тушмоқда.

Ҳозирги вақтда жамғарма ҳисобида салкам 600 минг сўм пул бор. Бу маблағ жамғарма кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ҳамда вилоят ҳокимлиги билан келишилган тадбирларга мувофиқ сарфланмоқда. Маблағларнинг сарфланиши билан боғлиқ бўлган масалалар жамғарма кенгаши мажлисларида кўриб чиқилмоқда ва қарорлар қабул қилиняпти. Бу маблағларни нимага сарфланаётганлиги кўпчиликни кизиқтириши табиий бир ҳол, албатта. Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тасдиқланган тадбирларга мувофиқ ўтган давр мобайнида жамғарма маблағлари табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина тадбирларни амалга оширишга ажратилди. Масалан, Пискент тумани аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун сув келтириш тармоғи қурилишига 25 минг сўм қўшилди. Бекобод шаҳрида қаттиқ уй-рўзгор чикиндиларини кўмиш ва жойлаштириш учун майдон қурилишига 200 минг сўм берилди. Оққўрғон тумани марказий касалхонасида оқаваларни тозалаш қурilmаси қурилиши учун 25 минг сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, жамғармадан турли хил хайрли маблағлар ажратилмоқда. Жумладан, усиб келаётган авлоднинг саломатлиги ҳақида қайғураётган вилоят "Соғлом авлод учун" жамғармасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ҳам пул ўтказилди. Болалар муассасаларида, тўғруқхоналарда, санаторийларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилишига ҳам жамғарма ҳисобидан анчагина пул берилди.

Усиб келаётган авлодни экологик тарбиялаш, уларга экологик билимларни ўргатиш ҳамда бу муҳим ишни тарғиб қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бундай тадбирларни ўтказишга ҳам моддий томондан ердан берилмоқда. Айни вақтда мактаб ўқувчиларини экологик тарбиялаш ва таълим бериш бўйича фаол иш олиб боровчи ўқитувчиларни рағбатлантириш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Бунинг учун ҳам пул ажратилляпти.

Ҳозирги вақтда барча жамоаларда табиатни муҳофаза қилиш иши учун масъул кишилар бор. Уларнинг кўпчилиги бу вазифани жамоатчилик асосида бажарадилар. Бундай тарғибчиларнинг энг яхши кўрсаткичларга эришганларини моддий томондан рағбатлантириш ҳам эсдан чиқарилмаяпти. Йил бошидан бери шу ишга бир неча юз сўм сарфланди. Бундай мукофотга сазовор бўлганлар орасида Олмалик кон-металлургия комбинати, аммофос ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокиме заводи ва бошқа корхоналарнинг табиат жонкуярлари бор.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари фақат хайрли ишларга, пировард натижада кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга сарфланмоқда. Ҳайратангиз, бундан бун ҳам табиатни муҳофаза қилиш ишларига ажратмалар кўпаяверади.

Н. ХАУСТОВА,
жамғарма котиби.

• Таҳририятга хат

БИЗНИНГ "Мискин" маҳалламизда икки юз атрофида оила яшайди. Уларнинг қайси бирода бўлган, ахлатни олиб кетувчи машина келмаслигини ташвиш билан гапиришади. Бу масала бир неча марта кўтарилди. Собир Раҳимов тумани ҳокимлигининг

"Йўлмеҳбаза"сига шу хусусда мурожаат қилавериш чарчадик. Унинг директори ҳамда бош муҳандис фақат ваъда беришдан нарига ўтмайдилар. Уларнинг ваъдабозлигига хайрон қолсан, ваъдабозликдан ҳеч чарчамасликлар, субит-сизликларидан ёқа ушлайсан.

Шу йилнинг январиде маҳалламизда истиқомат қилувчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб, бошқа масалалар қатори "Йўлмеҳбаза"га йиллик хизмат ҳақини тўлаб қўйиш масаласи ҳам кўрилди. Ушанда ҳамма "Йўлмеҳбаза" ишидан норози эканлигини айтди, қайси хизматлари учун пул тўлаймиз; деб қатъий туриб олишди. Бироқ маҳалла оқсоқоллари ва кексалар яна ўртага тушишди. Уша вақтда оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобидан 100 сўм-купондан пул йиғиб

олинди ва "Йўлмеҳбаза"нинг ҳисобига ўтказилди.

Шундан кейин ҳам аҳвол деярли ўзгармади. Ҳар ҳафтада 2-3 марта келиб, тўпланган супириндиларни олиб кетиши лозим бўлган база автомашинаси 20—25

"Йўлмеҳбаза" раҳбарлари шу йилнинг август ойида махсус машиналар қамлигини, улар шундоқ ҳам нормадан ортиқча ишлатилаётганлигини рўқач қилиб, ҳафтада бир марта машина юбориб туришга ваъда қилишди. Шундан бери икки ой ўтди. Лекин ахлат ташувчи машина келган бўлса икки еки уч марта келгандир. Ахлат, супириндилар хонадонлар олдида, айрим жойларда уюлиб етибди.

Ахир бу қачонгача давом этади. С. Раҳимов тумани йўлмеҳбазаси раҳбарлари ваъда билан чекланиб хотиржам юраверадиларми? Улар

қачонгача нақд пулни олдиндан йиғиб олиб "ишим битди, эшагим лойдан ўтди" қабилида ишлайдилар. С. Раҳимов тумани ҳокимлигида олдий фуқароларнинг ҳаққоний шикоятига кулоқ соладиганлар борми ўзи!

С. Раҳимов тумани Мискин маҳалласи фահрийлари номидан:
М. АҲМАДЖОНОВ,
жами 16 киши.

СУБИТСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

кунда бир марта кўринса кўринади еки умуман кўринмайди. Бунинг устига ҳамма кўчадаги ахлатни олиб кетмайди, айримларига умуман кирмайди.

Туман "Йўлмеҳбаза"сига яна мурожаат қилишга мажбур бўлинди. Яна ваъда бериш билан чекланишди. С. Раҳимов тумани ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларига қилган мурожаатларимиз ҳам муаллақ қолди. Ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, ахвол эски тос, эски ҳаммолигича қолаверди.



● **ҲАСАНБОЙ АРИҒИНИ КИМЛАР БУЛҒАТМОҚДА** ●

● Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорининг
бажарилишини текшираемиз.

**ВАЪДАНИНГ ЧЕКИ
БЎЛАДИМИ?**

"Тошлубсаноатсотиш" ҳиссадорлик жамияти
раҳбари А. Абдувалиев диққатига

ЭКОЛОГЛАР луб заводлари фаолиятига алоҳида эътибор берадилар. Чунки, бундай корхоналар атроф-муҳитни кўп даражада ифлослантирувчи манбалар ҳисобланади. Бизнинг вилоятимизда эса бир қанча шундай заводлар бор. Улар асосан Қўрғонча ва Гул шаҳарчаларида жойлашган. Бу корхоналарда каноп толасига дастлабки ишлов берилади, тайёрланган хом ашё эса республикамиз ва қатор МДХ мамлакатларига юборилади.

Канопни қайта ишлаш вақтида кўп миқдорда сув ишлатилади. Ажратиб олинган толани ивитиш, ювишда фойдаланилади ҳамда бундай оқавалар етарли даражада тозаланмай, сув ҳавзаларига оқизиб юборилади. Собаб — вилоятимиздаги луб заводларида замонавий тосалан иншоотлари етишмайди. Оқова сувлар асосан оддий ҳовузлар, тиндирғичларда муайян вақт ушлаб турилгандан сўнг оқизиб юборилади. Етарли даражада тозаланмаган бундай сув Сирдарё ва Чирчиқ дарёларида оқиб ташади. Бу ифлосланган сувнинг бу йерлиги қаёт манбалаари ифлосланмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 1990 йил 13 августдаги қарори билан бу заводларни бошқа маҳсулотлар тайёрлашга ўтказиш ва шу асосда экологик соф ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бундан корхоналарнинг атроф-муҳитни ифлослантиришини камайтириш назарда тутилган эди.

Лекин, бу муҳим қарор бажарилмапти. У умуман унутиб юборилганга ўхшайди. Чунки, Қўрғонча ва Гул луб заводлари раҳбарликлари (директорлари Р. Бўтаев, З. Эргашев) ҳамда "Тошлубсаноатсотиш" ҳиссадорлик жамияти (раиси А. Абдувалиев) бу йўлда ҳали бирорта ҳам аниқ иш қилганларича йўқ. Ишлаб чиқаришни экологик соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар ҳам кўрилмапти.

Бу заводлар айни вақтда сувдан фойдаланиш тартиб-қоидаларига ҳам амал қилмаяптилар. Сувни ниҳоятда кўп ишлатадилар. Бунинг устига ундан фойдаланиш учун махсус рухсатномаларни вақтида олмайдилар. Бу заводлар шу кунларда ҳам шундай рухсатномасиз ишлашмоқда. Айни вақтда оқаваларни оқизиш меъёрига ҳам эга эмаслар. У шу вақтгача аниқ белгиланмаган. Ҳатто зарарли

моддаларни атмосферага чиқариш бўйича рухсатнома ҳам расмийлаштирилмаган. Қисқаси, бу корхоналар ҳамон атроф муҳитни энг кўп даражада ифлослантириб, табиатга ҳам, ҳавога ҳам, сувга ҳам катта зарар келтирмоқда.

Бир неча бор ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар ҳам бажарилмай келаяпти. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини кўпол равишда бузган луб заводлари раҳбарлари бир неча бор маъмурий жазоландилар, уларга жарималар солинди. Лекин ишдаги аҳвол ўзгармади. Шундан сўнг табиатни муҳофаза қилиш туман кўмитаси бу заводларда ишни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

Албатта, кўрилган қатъий бу чора раҳбар мутасадди ташкилотларга маъқул бўлмади. Шунинг учун "Тошлубсаноатсотиш" ҳиссадорлик жамияти раҳбарлиги бизга кафолатли хат билан мурожаат қилдилар. Унда намлаш ҳовузларида кўп миқдорда хом ашё борлигини ҳисобга олиб заводларни ишлаши учун рухсат бериш илтимос қилинган эди. Биз аҳволни ҳисобга олиб бунга рози бўлдик. Бунда бирлашманинг раҳбари ўртоқ А. Абдувалиевнинг шахсан берган ваъдасига қаттиқ ишонган эдик. Лекин у пуч бўлиб чиқди. На ўртоқ А. Абдувалиев, на луб заводлари директорлари Р. Бўтаев, З. Эргашевлар кўрсатилган камчиликларни бартараф этмадилар. Ҳатто туман прокурорлигининг шу корхоналарга нуқсонларни тугатиш бўйича ёзма кўрсатмаси ҳам инobatга олинмади.

Луб заводлари ҳамон табиатга катта зарар келтирмоқда. Берилган ваъдаларнинг бирортаси ҳам бажарилмаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Бундай бебурдликнинг кимга кераги бор. Ахир корхоналарда экологик аҳвол яхшиланса, бу аввал шу ерда ишлаётган жамоалар, қолаверса, атрофида яшаётган оилалар учун фойдали-ку. Наҳотки акционерлик жамияти, заводлар раҳбарлари, бунга тушунмасалар. Ваъдабозликка қачон чек қўйдилар. Яна қанча кутиш мумкин. Лекин тарқиб топган аҳвол эса бу муаммони зудлик билан ҳал этишни тақозо этади.

Т. ОРИФХОНОВ,
Қўйичирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш
кўмитаси раиси.



ОҲАНГАРОН туманидаги 13-ўрта мактабда ташкил этилган ёш экологлар тўғраги бир неча йилдан бери ишлаб турилди. Унда ўнлаб ўқувчилар табиат сирлари билан ошно бўлмоқдалар, турли жониворларни парвартиш қилишяпти. Табиатни ўрганиш билан боғлиқ бўлган амалий тажрибаларни олиб бормоқдалар.

Қ. ОДИНАЕВ суратга олган.

● "Табиат ва инсон"
материаллари изидан

**ЖАРИМА БИЛАН
ИШ БИТМАЙДИ**

ҲАСАНБОЙ ариғини Тошкент тумани аҳолисининг гурури дейиш мумкин. Унинг об-ҳаётидан қатор жамоа хўжаликлари фойдаланадилар, минглаб оилалар ўз томорқаларини суғурядилар. Айни вақтда у экологлар ва табиат жониворларининг катта ташвишига ҳам сабаб бўлмоқда. Чунки сувини турли оқавалар билан ифлос қилиш ҳамон давом этмоқда. Шу йилнинг олтинчи июлидаги "Табиат ва инсон" саҳифасида берилган "Уволи тутмасин тагин" сарлавҳали мақолада шундай аҳволнинг содир бўлаётганлигининг сабабчиларидан бири ариқнинг, яқинида жойлашган 1-болалар сил касалликлари санаторийси эканлиги қайд қилинган эди.

Шу танқидий чиқиш юзасидан текшириш ўтказган Тошкент тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси М. Солиховнинг муҳарририятимизга юборган жавоб хатида мақолада кўрсатилган камчиликлар тасдиқланганлиги, ҳатто табиатни булғатишга олиб келаётган бошқа нуқсонлар ҳам аниқланганлиги маълум қилинади. Чунончи, кирхонадан чиқаётган оқова тўкиладиган чуқурга бормаётганлиги, у атрофга тарқатилганлиги, ариқнинг сувни муҳофаза қилиш минтақасида ахлат уюмлари борлиги, ахлат солинадиган чуқурлик ҳам шу ерда эканлиги кўрсатилади. Август ойида ўтказилган бу текширишдан кейин бош врач ўринбосари А.

Халилов қатъий огоҳлантирилган ва унга аниқланган камчиликларни биш ой мuddат ичида бартараф этиш тақлиф этилган.

Сентябрь ойида қайтадан ўтказилган текширишда айрим камчиликлар барҳам топилганлиги аниқланди. Ариқнинг сувини муҳофаза қилиш минтақасидаги ахлатнинг бир қисми ташиб кетилган, ахлат тўпланадиган чуқур кўмиб ташланган. Шу ерда тиббиётчиларнинг туман коммунал хўжалик бўлимига нисбатан ҳақли эътирозларини тан олиш керак. У пулни олдиндан тўла олганига қарамай, ахлатни ташиб кетиш учун машина ажратмапти.

Кирхона оқавалари ҳамон атроф-муҳитга зарар келтираётганлиги аниқланди, қувурларни таъмирлашга киришилмаган. Санаторий раҳбарлари доим маблағ йўқлигини баҳона қилишади. Бунинг ўрнига имконият қидиришса бўлмайди. Октябрь ойида учинчи текширув ўтказилди, аҳвол ўзгармаган эди.

— Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, — деб ёзади пиروвардида М. Солихов, — сувни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширмаганлиги учун санаторий бош врачининг маъмурий-хўжалик қисми бўйича ўринбосари А. Халиловга 250 сўм жарима солинди, бош врач Т. Турсунов огоҳлантирилди.

Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик институтида ташкил этилган лимонарийдан ҳар йили кўплаб ҳосил олинмоқда. Бу ерда ҳар гектар ердан 20 тоннага етказиб ҳосил этиштириляпти. Бу ерда: музаффар бошқарувчиси Салоҳиддин Обидов (ўртада) ёш соғбонлар Музаффар ва Аҳрор Турғуновлар билан ўзаро суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



НОМАЪЛУМ УЧАР ЖИСМЛАР ФАҚАТ АҚШ УСТИДА КЎРИНАДИМИ?

• Бу қизиқ •

Айтишларича, Пентагон коинотдан келганлар фалокати тафсилотини сир сақламоқда. Ваҳоланки, "ликопчалар" Ерга ҳамон ташриф буюрмоқдалар...

...Нью-Мехикода яшовчи деҳқон Мак Брацель 1947 йил бошларида эрта сахарлаб момақалдироқли тундан кейин ўз қўйларини кўздан кечириш учун ҳовлига чиққанида гайритабиий жуда кўп парчаларни кўрди. Улар ерда бир хил жўяклар ҳосил қилган ва атрофда жуда кўп эди. У бир неча бўлакларни олиб, ўз қўшилари ва шериф Жорж Вилконсга кўрсатмоқчи бўлди. Шериф Росвеллдаги авиабаза билан боғланди. Кейинчалик айрим америка газеталари бу ҳақда кўп мақолалар беришди, ҳозиргача ҳам бу воқеа ҳақида ёзишмоқда.

Ҳарбийлар воқеа содир бўлган жойга келиб, миршабларни четга чиқардилар ва бу ҳудудни ўраб олдилар, сўнгра бу ерда топилган ҳамма нарсани олиб кетдилар. Парчаларни Росвеллга олиб бордилар, сўнгра тайёраларда Огайо штати Дойтондаги Бритт-Филдга жўнатдилар.

Ўша вақтда Росвеллдаги базада 509-сара стратегик бомбардимончилар полки жойлашган эди, бу тайёралар биринчи атом бомбалари билан қуролланганди. 1947 йил 8

июлида эрталаб шу полк командири полковник Вильям Бланхард матбуотга "халокатга учраган тарелка" (НУЛ) бўлакларни топилди, деб ахборот бериш ҳақида буйруқ берди. Шу кун АҚШда чиқадиغان 30 дан ортик кечки газеталар бу гайритабиий янгилик ҳақида хабар бердилар. Орадан бир неча соат ўтгач, юқори ҳарбий маҳкамаларнинг бири бу хабар асосли эмаслигини, у оддий пуфак шарчаларидир, шунинг учун ҳеч қандай учар ликопча ҳақида сўз

зардан қалинмасди. Мен уни букмоқчи бўлганимда букилмади. Шунда биз саккиз килограммли катта болга билан тешмоқчи бўлдик. Бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади — материал тешилмади". У шундай хулоса чиқаради: "Корпуснинг қисмлари ерда яратилмаган".

Огайо штати Тайтон яқинидаги Вригт Филд лабораториясида ликопчанинг материал қисмларини тадқиқот қилишда қатнашган еш лейтенант, кейинчалик генерал

берди. Хамшира ўзига инсонга хос бўлмаган бир неча майда гавдаларга аутопсияни қўллаб, ишлов бераётган икки врачга кўмаклашиш ҳақида буйруқ беришганини, гавдаларнинг бири дуруст сақланганини, қолганлари бўлиб ташлангани, уларнинг одамдан анатомик фарқини билиш осон бўлганлигини ниҳоятда бадбўй ҳид тарқалганлигини бир бошдан ҳикоя қилган.

Кўпчилик гувоҳлар ҳамон ҳоқимлар томонидан жазоланишидан кўрқиб бу воқеа ҳақида лом-мим демаептилар. Уларнинг ҳаммасига жисмоний ҳалок бўлишларини айтишган. Ҳарбийлар деҳқон Мак Брацелни ҳам бир ҳафта хибсда сақлаганлар, уни фақат сирни айтмаслик ҳақида олт ичганидан кейингина озодликка чиқаришган.

Бу гайритабиий воқеанинг қисқача тафсилоти шундай. Номаълум учар жисмлар билан учрашувлар бошқа мамлакатларда ҳам содир бўлган. Улар ҳақида ҳам шундай турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилди. ВЦКМ деган халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, сўралганларнинг тахминан учдан бир қисми (33,9 фоизи) НУЖнинг борлигига ишонади, 26,7 фоизи умуман ишонмайди, 39,4 фоизи бу саволга жавоб беришга қийналади.

ЗАРДЕК ЮПҚА, ЛЕКИН БУКИЛМАДИ

бўлиши мумкин эмас, деган мазмундаги баёнот билан чиқди.

Ликопча парчаларини тадқиқот қилишда қатнашган ва бор ҳақиқатини айтишга журъат этган гувоҳ 509-бомбардимончи самолётлар полки қарши разведка полковниги Жозе Сарсель бўлди. У ... "бу ҳаво пуфаги эмас эди" деди. Топилган материал ҳақида гапирар экан шундай деди: "у енишни истамади... У ниҳоятда енгил бўлиб, бамисоли вази йўқдек эди, сигареталарни ўрашда ишлатиладиган

бўлган Артур Е. Эксон 1950йилда шунини айтдики, "Ўша вақтда мумкин бўлган барча синовлар қилиб кўрилган — кимевий таҳлил қилинган, парчалаш, қисил, букиш ва ҳоказолар амалга оширилган. Бу ишларда қатнашган барча мутахассислар бу материаллар Ерга коинотдан келган деган хулосага келдилар".

Шу ердаги лаборатория Тиббиет ҳамшираларининг бири госпиталда нималар бўлаётгани ҳақида гапириб

Овчи саргузаштларидан

БУ ТЯНЬ-ШАНДА БЎЛГАН ЭДИ

• БУ ТОҒНИНГ жанубий-ғарбий қисми тармоқларида қўлда фотоаппарат билан "ов" қилиб юрардим. Тоғ куркаларини таъкиб қилиб юриб, беркиниб олдим. Тўсатдан етмиш метрча нарида иккита боласи билан она айиқ пайдо бўлиб қолди. Яқин ўртада юрган тўнғизларнинг бахайбат гавдали эркаги айиқ болаларининг бири томон йўналди. Она айиқ эса бу ҳужумни сезиб, мунчоқ кўзларини ялтиратиб, тўнғизга қарши отилди. У чинкирганича жуфтагини ростлаб қолди. Шундан кейин она айиқ болалари билан мен томонга кескин бурилди ва санокли дақиқаларда пистазорларга кириб, кўздан ғойиб бўлди.

• КУНЛАРДАН бир кун мен қор қоплонини узоқ вақт қидириб юрдим, мақсад уни фотоопленкага тушириш эди. Бу ноёб ваҳшийни қидиравериб, тинка-мадорим куриди, ниҳоятда чарчаб тоғ қуёши остида қора сувга ботиб кетдим. Шундан сўнг бир чўзилиб олай деб, ётибману қотибман. Қанча вақт ухлаганимни билмайман. Қаерданки юқоридан келаятган шитир-шитирдан уйғониб кетдим. Қоятош устига оҳиста билинтийрмай чиқиб олдим-у, хайратдан қоққан қозикдек қотиб қолдим. Мендан йигирма метрча нарида қоплон ҳозиргина ушлаб олган тоғ эчкисини тилка-пора қилиб, еяётган экан. Сезгир хайвон шундай қутилмаган вазиятда ҳам дарҳол мени пайқади. Мени кўриши билан қочиб қолди.

Ю. НОВИКОВ.

ҚАДИМИЙ ЖОНИВОРЛАР ИЗЛАРИ

КОРЕЯ Республикаси Кионгсангнам-до вилоятининг кирғоқ бўйи туманлари кейинги вақтларда маҳаллий ахборот воситаларининг, ҳатто, чет эл матбуотининг ҳам эътиборини тортмоқда. Айниқса, археологлар бу ердаги топилмалар билан жуда қизиқиб қолдилар. Чунки, Корея Республикасининг археологлари шу ердан энг қадимги динозаврлар ва қушларнинг кўпдан-кўп изларини топдилар.

Бу ерда улкан динозаврларнинг излари биринчи марта 1982 йилда Кионгбук дорилфунунининг археология кафедраси профессори Ян Сен Йон томонидан топилган эди. Қотиб қолган тупроқдаги оёқ изларининг диаметри 20 сантиметргача етарди. Шундай излардан 360 та топилди. Олим мезозий даврининг ўрталари ва охирида яшаган қушларнинг изларини ҳам аниқлади. Бундай излар салкам 4 квадрат километр кенгликдаги майдонни эгаллаган ҳудудда жуда кўп эди.

Бундай археологик топилмалар жаҳоннинг 8 мамлакатига ҳам аниқланган эди. Лекин, Корея Республикасида топилган изларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ниҳоятда зич жойлашган. Бундай зичлик ҳеч қаерда учрамаган эди.

Кореялик мутахассислар калтакесаклар ва қушлар оёқлари изини тадқиқот қилиб, шундай хулосага келдиларки, улар бронтозаврлар ҳамда дастлабки қушларнинг турларидан бири архиоптериксом, яъни ҳозирги қушларнинг ўтмишдаги аجدодига жуда хосдир. Бундай динозаврлар ва қушлар мезозой даврининг ибтидосида яшаган.

БЎСТОНЛИҚ тоғларида жуда кўп ғорлар бор. Бу ғорлар халқ бойлиги ҳисобланади. Уни топташ, қаровсиз қолдириш мумкин эмас, табиий ҳолда сақлаш лозим.



• Ҳар тўғрида •

ДУМЛИ ЮЛДУЗНИ НИШОНГА ОЛИБ

• РУСИЯ ва Америка олимлари кўрраи заминимизни коинот фалокатидан халос қилиш ниятдалар. Шу масала яқинда бу икки мамлакат илм аҳллариининг конференциясида муҳокама қилинди.

Тарихчилар, физиклар, палеонтологларнинг ҳисоблашларича, бутун жаҳонни сув босиши, динозаврларнинг йўқ бўлиб кетиши ва бошқа фалокатларнинг юз беришига олиб келган сабабларнинг бири комета (думли юлдуз) ёки "учар ёлдуз"ларнинг ер кўрраси билан тўқнашганлиги бўлиши мумкин, деб таҳмин қилинмоқда. Келажакда бундай фалокатларни коинот "қароқчиларини" узоқ масофада турганида ядро зарядлари билан

уриш орқали йўққа чиқариш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, бундай портлашнинг Ерга ҳеч қандай хавфи бўлмайди, бироқ, у ташриф буюргичининг йўлини ўзгартириб юборишга қодирдир. Ҳозирги вақтда Ер юзида тўпланган зарядларнинг бир қисми қотил-кометаларни ракеталар билан отишга етади.

АФРИКАНИНГ ТИЛ АТЛАСИ

• "ҚОРА ҚИТЪА"да 1500 га яқин тил мавжуд бўлиб, ҳозиргача ёзуви бўлмаган кўп сонли қабилалар шу тилларда гаплашадилар. Уларнинг айримлари, чунончи, санго тили билан ҳаммаси бўлиб миллион киши гапиришса, айрим бошқаларида сўзлашувчилар сони кўпи билан бир неча юз кишини ташкил этади. Агар қабиланинг энг сўнги вакили вафот этса, унинг тил

ли, у билан бирга эртақлари, афсоналари, ривоятлари ҳам йўқ бўлиб кетади.

Африкада ёзувни яратиш бўйича тажрибалар ўтказилмоқда. Бироқ бу жуда мушкул бўлиб қиёди. Айрим тиллар жуда қашшоқ бўлиб, ўтмишда умуман ҳеч қандай ривож топмаган, яқин вақтларгача мустамлакачилар маҳаллий халққа ўз тилидан фойдаланишни ман қилиб қўйган эдилар. Шунга қарамай тил атласи яратилди, унда Конга, Габон, Камерун, Чад, ЖАР, Заир, Руанда, Бурунди ва бошқа Африка мамлакатларида истеъмолда бўлган юзлаб тиллар қайд қилинган.

ИККИ ЙИЛЛИК ОЧЛИКДАН КЕЙИН

• АМСТЕРДАМДАГИ ҳайвонот боғида бир анаконда (катта бўғма

илон) яшарди. У ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ тўсатдан "очлик" эълон қилди. Ўзига бериладиган каламушлар, қуёнлар ва бошқа жониворларга умуман қарамай қўйди. Илон икки йил давомида олдига ташланган ҳеч бир жониворни ютмади. Кейинчалик эса, ҳеч қандай сабабсиз каламушларга жон-жаҳди билан ташланаверди ва шундай қилиб кўп йил яшади.

Гамбург ҳайвонот боғида ҳам ўзининг очофат бўғма илони бор эди. У йигирма беш ой давомида ҳеч нарсани емади. Очликдан кейин шунчалик бўшашиб кетдики, иштаҳаси яна қайтиб келганидан сўнг кабутарни ютолмай, бўғилиб, оламдан кўз юмди.

УШБУ САҲИФА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚУМИТАСИ ҲАМДА "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" ГАЗЕТАСИ ХОДИМЛАРИ УЮШТИРИШГАН.



Душанба, 14

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Уйинқароқ болалар".
Мультифильм.
18.20 "Олий таълим—янгилиниш йўлида".
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Тараққийтимиз таянчи".
19.45 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Бозор — юрт кўрки".
21.25 Хамза Ҳакимзода Ниёзий. "Майсаранинг иши". Аббор Хидоятлов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли.
22.45 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.10 — 24.00 "Танбур ноласи". Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Полопон".
19.00 "Бу бўстон аро..."
19.30 Шифокорлар билан мулоқот.
20.15 "Чемпион билан учрашув". XII Осиё ўйинлари ғолиби Иван Киреев (рус тилида).
20.40 — 22.05 "Қора ўқ". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Истиқлол ва мафкура".
"ОМАД" таништиради:
20.20 "Совға".
20.50 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.10 Тахлил.
21.20 Ўзлонлар.
21.30 Видео — "О".
23.10 Ўзлонлар.
23.20 "Курьер".
23.40 "...Яна об-ҳаво ҳақида".
23.50 — 24.00 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Лабиринт".
18.25 Рус халқ кўшиқларини В. Кобзев куйлайди.
18.35 "Спорт уик-энди".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 Мультифильм.
19.35 "Телеёдномалар".
19.55 "Агар..." Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 — 22.30 "Театр + ТВ". Марина Неелова галабаси.

Сешанба, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Кундузги сеансга икки билет". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Немис тили.
11.20 "Медитация". Манзарали фильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 "Хиросима-94". XII Осиё ўйинларига бағишланган кўрсатув.
12.30 — 14.30 "Синов даври". Телеканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Доно бобо даврасида".
18.40 "Мухбирларимиз хикоя қилади...".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Илҳом" телевизион клуби.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Эъоздаги кўшиқлар".
21.40 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
22.25 "Соҳилга руҳсат". Бадий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультифейерверк".
19.15 "Хусусийлаштириш: қадам — бақадам".
19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
20.00 "Видеогид".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.00 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Нон таъми".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
20.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
21.35 "Интерпартнер" (такрор).
22.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.35 "Ўзбекистон — чет эллик меҳмонлар нигоҳида".
22.55 "Мусиқий саёҳат".
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 "Веди".
18.30 "СБ" жумбоғи.
18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.20 Мультифильм.
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал /Мексика/.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 23.50 "Тирикларни чорлайман". Галабанинг 50 йиллигига. "Беш куну беш тун". Бадий фильм ("Мосфильм" ва "Дефа" киностудиялари, ГДР, 1960 й.).

Чоршанба, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Кувноқ учрашувлар". Абдусамат Жўрабоев.
10.00 Алифбо сабоқлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 Концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқук асослари.
12.00 Кишлоқ стадионларида.
12.20 Болалар учун. "Кувноқлар даврасида".
12.40 — 14.40 "Биз танлаган йўл". Телеканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Гул кўп, чаман кўп". Публицистик кўрсатув.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Навойхонлик". Адабий кўрсатув.
20.00 "Хуррият Исроилова куйлайди". "Ўзбектеlevision" премьераси.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Пул кадрлари".
21.30 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. "Икки фильм — бир услуб".
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нурафшон" — МХСК.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ III

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Танафусга кўнгирик".
19.30 "Киш кутиб турмайди".
20.15 "Бизнес-банк".
20.30 "Мусикали меҳмонхона".
21.30 "Тошкент оқшомида".
22.30 — 24.00 "Қирк биринчи". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Ҳосил баракали бўлганда".
20.10 Кичик концерт.
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

21.15 — 00.15 "ОМАД" таништиради: "Китъа спорти".
Дастурда:
— халқаро мусобақалар ҳақида репортаж;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари билан суҳбатлар;
— спорт ҳақида хикоялар;
— ахборот ва Ўзлонлар.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Мулоқот". Иқтисодий дайджест.
18.20 "Салом, бу мен!".
18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кинопанорама".

20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 — 22.45 Рус театрининг шовшуви. Л. Зорин. "Йўқолган сюжет".

Пайшанба, 17

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қора қисқичбақа чангалида". Бадий фильм.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. Физика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим".
12.30 "Фазилат".
13.05 — 15.05 "Маърифат" видеоканали.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. "Хотира китоби".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
19.40 "Тилга эътибор...".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Зўр ўтирибмиз". Бадий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. "Хотира китоби".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
19.40 "Тилга эътибор...".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом кўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Зўр ўтирибмиз". Бадий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" таквими.
18.35 "Жозоба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Тумор".
19.20 "Мухаббатга ошно қалблар".
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
20.45 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Мулкдор".

20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

21.15 "Эхтиёж".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
21.45 — 22.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "... 16 ешгача ва ундан катталар".
18.30 "Шундай киши яшаган". Таниқли спортчи ва тренер Е. Никольский ҳақида хужжатли фильм /Литва/.
18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Ким Филби — ким ўзи?". Г. Боровикнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Москва — Кремль".
22.00 — 23.50 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Шотландия — Россия терма командалари. Шотландиядан кўрсатилади.

Жума, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Чорраҳа". Бадий фильм.
10.25 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 Немис тили.
11.20 "Сувдаги акс". Манзарали фильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ешлигим".
12.45 — 14.45 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Тараққий".
18.35 "Шеърин дақиқалар". Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.

19.25 "Элим деб, юртим деб ениб яшаш керак!".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Хофизлар хониш қилганда.
21.30 "Москва кўзешларга ишонмайди". Бадий фильм. 1—2-сериялар.
23.55 — 00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Кичкинтой" устахонаси.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.25 "02" тўлкинида.
19.50 "Излаган имкон топади".
20.15 "Билиб қўйган яхши".
20.40 — 23.20 "Садокат". Бадий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).

ЎзТВ III

18.00 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.50 Телефильм.
20.00 "Календарда байрам кунлари".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.15 "Рок ҳақида".
21.45 Ўзлонлар.
21.55 Даракчи.
22.05 Ўзлонлар.
22.15 — 24.00 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "Россия тароналари".
18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. II-серия.

Шанба, 19

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Мои, болагинам Мои". Бадий фильм.
10.35 "Сихат-саломатлик" почтасидан.
11.05 "Ешлик" студияси.
"Ҳаёлпарастлар байрами".
11.45 "Санъат олами".
12.25 Маҳмуд Намозов куйлайди.
12.55 — 14.55 "Тимсол" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Икки кучукча саргузашти". Мультифильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшигим, жон қўшигим".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Куйла, дилкаш дуторим".
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Кино усталари". Ўзбекистон халқ артисти Марьям Ёкубова.
21.50 "Ешлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
22.50 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультифейерверк".
9.45 "Хусусийлаштириш: қадам — бақадам".
10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
11.30 "Кинонигоҳ".
12.40 "Омад" таквими.
12.45 "Жозоба".
12.55 "Бир шингил хангома".
13.05 "Тумор".
13.20 "Мухаббатга ошно қалблар".
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
14.45 — 16.30 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Кичик дебют".
20.10 "Шохсупа сари" (рус тилида).
20.35 — 22.35 "Кинематограф".

ЎзТВ III

10.00 "Хонадонингизга тинчлик-

осойишталик тилаймиз".
11.00 — 12.20 "Бир йигит ҳаётдан тўрт саҳифа". Бадий фильм.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.15 "Рангинкамон" (тожик тилида).
20.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.00 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.55 Хитой телевиденисининг кўрсатувлари.
22.15 "Бу ажиб дунё".
22.35 — 22.50 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Ақллилар ва оқиллар".
18.45 "Ушангача ва ундан сўнг...". Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.40 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Шляпалар командаси". Телесериал. 6-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 22.55 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Соҳиб Баллантре". Телесериал. 3-серия.

Якшанба, 20

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Кувноқ стартлар".
9.45 "Тигиз жарроҳ". "Ўзбек-телефильм" премьераси.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 93—94-сериялар.
12.20 "Цирк! Цирк! Цирк!".
13.10 "Киноредакция" почтасидан.
13.40 Ўзбек куйларидан концерт.
14.25 "Олтин глобус". Тошкент тўқимачилик комбинати.
14.55 — 15.35 "Мерос". Нодим Намангоний.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Уйла! Изла! Топ!".

18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Ўзлонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 Лирик концерт.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Ўзлонлар.
21.05 "Назм ва наво". Нодира лирикаси.
22.05 "Сурайе". Бадий фильм.
23.25 — 23.55 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.45 Тахлил.
17.55 Ўзлонлар.
18.00 Видео — "О".
19.35 Ўзлонлар.
19.40 "Курьер".
20.00 "...Яна об-ҳаво ҳақида".
20.10 "Постфактум".
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 Ўзлонлар.
20.50 "Кимга — қанақа?".
21.20 Даракчи.
21.30 Ўзлонлар.
21.40—23.40 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Оилавий ансамбллар фестивали. Фаттоховлар оиласи (Бухоро).
10.30 "Тарихий обидалар — тарихимиз кўзгуси".
11.00 — 12.20 "Нукта, нукта, вергул". Бадий фильм.

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг янгиликлари (Ҳиндистон).
21.00 "Оила ва жамият" (Буюк Британия). I-кўрсатув.
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Ташрифлар ва тақдирлар".
22.05 Чет эл эстрадаси.
22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.50 — 23.10 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.10 Янгиликлар /сурдо таржимаси билан/.
18.20 "Миниатюра".
18.35 "Баскетбол жазавази", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультифильмлар.
19.30 "Бутун Россия". Тобольск шаҳри.
20.10 Ален Делон ва Жан Габен "Шаҳарда икковлон" бадий фильмида /Франция/.
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик дастури.

УРГУТЛИК УСТА ПИСКЕНТДА

Пискент шаҳри маркази кейинги йилларда беқис ўзгармоқда. Шаҳарда ургутликлар услуби асосида оқ гишдан, шунингдек ўймакорлик билан янги бинолар қад кўтармоқда.

Масалан "Жаҳонгир" кичик корхонаси аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи "Гўзаллик салони", "Саҳоват" кичик корхонаси тижорат дўконини

қуришда ургутлик уста Эркин Ҳамдамовнинг хиссаси катта бўлди. Қўли гул устанинг ҳунаридан пискентлик ешлар ҳам ўрганмоқдалар.

Суратларда: уста Эркин Ҳамдамов ва "Гўзаллик салони"нинг кўриниши.

Р. РАҲИМУЛЛИН СУРАТИ.

МЕҲНАТ БИЛАН


ЭЛДА АЗИЗ

Яқинда пойтахтимизга Сарикўл маҳалласининг маркази 1941-1945 йиллари урушда жонини фидо этганлар, фронт ортида меҳнат қилиб, галабага улуш қўшганлар билан гавжум бўлди. Собиқ қуролдошлар, юртдошлар урушнинг даҳшатли кунларида ўз бошидан кечирган даврларни эсладилар. Уларни маҳалла оқсоқоли И. Рустамов табриклади.

Миробод туман ҳокимининг ўринбосарлари Равшан Ҳамидов, Юнус Шариповлар маҳаллада истиқомат қилувчи 90 нафардан зиёд отахон-онахонларга "Жасорат", "Шухрат" медалларини топширди. Мукофотланганлар орасида душман билан юзма-юз жанг қилган Ғанитой Ғозиев, Муқимжон Шодиев, Хусан Йўлчиев, фронт ортида меҳнат қилиб собиқ Қорасув туманидаги "Коминтерн" жамоа хўжалигида мўл сабзавот маҳсулотлари етиштирган Р. Бўтабоев, Н. Зоирова ва бошқалар бор эдилар.

Бир пиёла чой устида бўлган учрашув қизғин давом этди. Шу кунини Фахрийлар маҳалладан кетиб, урушдан қайтиб келмаган йигитларимизга қўйилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Замира СОЛИЕВА.



• Миннатдорчилик

КЎЗЛАРИМГА
ҚАЙТА НУР
КИРДИ...

Мени анчадан бери кўз оғриги безовта қилиб келарди. Чап кўзимга эт тушиб, қорачиғига яқинлашган сари оғриқ зўрайиб борди. Худого минг қатла шукрки жарроҳлик йўли билан бу дарддан фориғ бўлдим. Бунинг учун Республика кўз касалликлари шифохонаси ходимлари, қолаверса, қабулхона бошлиғи Рихсихон, ҳамшира Муаттарой, 4-бўлим бошлиғи Жамилахоилардан бир умрга миннатдорман.

Дард чекаётганда енингда ҳамдард бўлаоладиган, қалби пок шифокорларга қўлингиз энгил, келажингиз порлоқ бўлсин дегим келади.

С. ОЧИЛОВА,
кўп боляли она. Зангиота тумани.

"Тошкент ҳақиқати" га эъдиладар

СИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛМОҚЧИ ЭДИМ

Ҳурматли газета ходимлари! Мен "Тошкент ҳақиқати"нинг ҳар бир сонини сиқчиқлаб ўқиб чиқаман. Ишонсангиз хат ташувчи хаёллаб қолса, бир нарсани йўқотиб қўйгандек бўлман. Чунки бетоблигим сабабли тўшаққа этиб қолганман. Газета, телевидение орқали ҳаётнинг қувонч ва ташвишларидан бохабар бўлман. Газетангиздаги қатор мақолаларни ўқир эканман беихтиёр кўлимга қалам олдим. Ростини, сизларга дардини ёзгим келди. Маъқул кўрсангиз газетанинг бирон-бир сонидан еритарсиз... Истагим ҳар бир эркакнинг мустақил фикри бўлсин...

Келинлик либосини кийган ҳар бир қиз ҳам, куёвлик либосидаги ҳар бир йигит ҳам шу ширин хаёллар оғушида бўлади. Уша тунда менинг ҳам жуда кўп орзуларим бор эди. Сизни бахтли қилмоқчи эдим... Манэ шунга ҳам ўн икки йил бўлибди. Турмуш ўртоғим Тошкентдан анча узоқда жойлашган туманда ишлардилар. Шунинг учун ота-онамдан, қадрдонларимдан, қариндош-уруғларимдан узоққа кетдим. Бегона жойда яна ҳам сизга суяниб қолдим. Кўп ўтмай чақалоқлик бўлишимиз ҳақида айтдим. Менинг севинчимдан ҳам сизнинг қувончингиз ортик эди. Буни ҳис қилиш қийин эмасди. Тўғри-да олдинги турмушингиздан саккиз йил фарзанд кутгандингиз.

Тўққиз ой жуда қийналдим. Мен шу кунлар тезроқ ўтсаю фарзандим дунёга келса деб ўйлардим. Афсус менинг энг бахтли онларим шу дамлар эканини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ой-куним яқинлашганда негадир мени Тошкентга олиб бормоқчи бўлдингиз. Ахир неча ойдан бери шу ерда шифокорлар назоратида турганимни, врачлар менинг узоққа боришим мумкин эмаслигини айтишганини ҳам билардингиз. Ҳатто қўшнилариинг гапига ҳам қўлоқ тутмадингиз. Йўқ ўша ердаги касалхонага жойлаштирмаган дедингиз.

Ҳамма фожиа мана шу касалхонада кутиб турган экан. Фарзандимиз дунёга келмай туриб ҳаётдан кўз юмди. Мен эса бир неча оғир-оғир операциялардан сўнггина ўзимга келдим. Соғлигим секин-секин тикланиб ишга тушиб кетдим. Мен сизга жуда-жуда суянардим. Фарзанд кўриб "она" бўлишни,

болаларимиз атрофимизда ўйнаб-қулиб юришини жуда ҳам орзу қилардим.

Афсуски йиллар ўтган сари орзуим сароба айлана борди. Биз сиз билан маслаҳатлашиб бола боқиб олмақчи бўлдик. Тошкентга бориб бола олиш

Иштиробли мактуб

учун навбатта ҳам туриб келдингиз. Чунки, қайинисинглим ҳам олти йил фарзанд кўрмай бола асраб олгандан сўнг ўзи ҳам фарзандлик бўлди. Афсуски бу фикримиз қайнонамга ёқмади. Менинг касалмамдлим, барибир фарзанд кўрмаслигимни, Сизнинг ўз фарзандингиз бўлиши кераклигини таъкидладилар. Оиламизда секин-аста келишмовчиликлар пайдо бўла бошлади. Сиз ҳам тез-тез асабийлашадиган, ҳаттоки урадиган одат чиқардингиз: Бир неча маротаба операция қилинган оёғимга тепдингиз, оғир аҳволда касалхонага тушдим. Саккиз ой касалхонада даволаниб уйга келсам қайнонам бизниқига келиб Сизни уйлантириш ниятида эканликларини айтдилар. Она деб билган қайнонам, ота деб билган қайнотамнинг ундай фикрга келишганини кўриб пол бўлиб қолдим. Ахир ёшимиз қирқдан ошиб бир-биримизга суяниб қолгандик-ку. Мен сизга ниҳоятда ишонардим. Касалхонада оғир аҳволда ётганимда ҳам ҳеч кимга

эрим тепиб шу ҳолатга туширди деб айтмагандим. Сизга ҳам осон эмас деб, кечиримли бўлгандим. Бу ёқда мен, у ёқда онангиз...

Лекин мен тортган азобу-дардларимни ҳеч кимга раво кўрмайман. Хайриятки дунёда яхши одамлар бор. Емон кунларингда ҳамдард бўла олади. Касалхонадан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтдим. Қўни-қўшилариим мендан хабардор бўлиб туришибди. Етмишдан ошган ота-онам Тошкентдан келиб мени боқиб ўтиришибди. Гоҳида ич-ичимдан келган тугенни, оғриқ азобларини, ғам-аламларини ҳам кўз ёшларим билан чиқара олмаймаман. Чунки ёнимда волпам менга термулиб ўтирадилар. Қўйган юракларини яна эзгим келмайди.

Мана ҳозир ҳам ногирон оёғим қаттиқ оғриятти. Эртага яна касалхонага даволангани бораман. Илгарилари касалхонага йўлингизга кўз тикиб ўтирардим. Келиб-кетганингиздан сўнг анча энгил тортардим. Бу гал сизни кутмайман. Бунга ҳаққим ҳам йўқ. Ораимиздаги никоҳ бекор қилинган. Лекин сиз ўзингизни қалбан пок деб биласиз. Чунки уйни ҳам, уйдаги бор нарсаларни ҳам менга ташлаб кетдингиз. Аммо уй, уйдаги анжомлар Сизни эслатиб қалбимга оғриқ етказишни хаёлингизга ҳам келтирмайсиз.

Инсон дунёда нимагадир ишонч билан яшаши керак. Мен шифокорларнинг "соғайиб кетасиз" деган сўзларига умид билан яшайман. Шундай пайтда кўзимни юмиб энг бахтли куним — тўйимизни эслаймаман. Даврадаги қариндошлар, яқинларимнинг бизга тилаган тилаклари қўлоғим остида жаранглайди: Бахтли—саодатли, серфарзанд бўлиб қўшақаринглр... Шу яхши эзгу тилаклар ижобат бўлганда эди... Йўқ, мен тушкунликка тушмайман. Фақат алам қилар экан, ахир инсон тақдирини ўйинчоқ эмас-ку... Ҳаётда эркак кишининг ўз мустақил фикри бўлсин экан!...

ГЎЗАЛ

Бекобод тумани, Зафар кўрғони.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ХУДОЁРХОН ХАЗИНАСИ ҚАЕРДА?

Ҳурматли муҳаррират ходимлари! Уттишимиз, хусусан Қўқон хони Худоёрхон, унинг бебаҳо хазинаси ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

З. Топцова,
Ўртағирчиқ тумани.

Маълумки, 1873 йили Қўқон хонлигида бошланган кўзғолон кейинчалик умумхалқ ҳаракатида айлана кетди. Бунинг оқибатида 1875 йил 22 июлда Худоёрхон Қўқон хонлигидан Хўжанд орқали Тошкентга қочишга мажбур бўлди. У бунга пухта тайёргарлик кўриб, Қўқон хонлигининг хазинасини олиб кетишга муваффақ бўлди. Аммо бу хазинанинг тақдирини кўп йиллар номаълум бўлиб келди. Олимларимизнинг езишларича, архив ҳужжатларида қуйидаги маълумотлар келтирилган: "Сирдарё вилоятининг ҳарбий губернаторига, 1875 йил, 24 июль. Мутлақо махфий. ...Шу кун (24 июль) кеч соат 6.00

да Қўқон хони Худоёрхон ўз оиласи, 70 кишилик аёллар жамоаси, 500 кишига яқин ҳамроҳлари ва 40 арава хазинаси билан бирга Хўжандга келди...

Хўжанд уезди бошлиғи (имзо) Подполковник Барон Нольде".

Худоёрхон Тошкентга келганидан кейин Туркистон генерал-губернатори фон К. П. Кауфман билан учрашиб, ундан ҳарбий ердан сўради. Аммо К. П. Кауфман ердан беришининг ўрнига расмана қароқчидек, бу хазинани қўлга киритиб, хонни Оренбургга сургун қилди.

Кейинчалик Худоёрхон Оренбургдан қочишга муваффақ бўлган эди...

БИЛАСИЗМИ?

• Айиқлар йилига 3-5 ой ухлайди. Шунгача чўзилган уйқу давомида улар овқатга ҳам, сувга ҳам эҳтиёж сезмайдилар. Роса меҳкалик қилиб, танасида тўпланган оқсиллари ана шу киш уйқуси даврида асқотади, уларнинг буйрағи пешоб ҳам ишлаб чиқармайди. Айиқларнинг бундай лаёқати узоққа чўзиладиган, ҳатто юлдузлараро парвозларга орзуманд фазогирларни гоят қизқиртироқда.

• Вьетнамнинг Тхайбинь вилоятидаги Дау ибодатхонасида кутилмаган кашфиётни очинди. Будда ибодатхонасидаги қоҳин ва ўрта аср файласуфи Ву Кхака ҳайкали санъат ҳайкали эмас, балки олимнинг локланган ва кумуш суви юритилган мўмийеланган жасади бўлиб чиқди.

• Эрқалатиб, силаб-сийпаланган товушқонларда юрак хасталиғи аломати одатдаги шаронда сақланган шерикларига нисбатан икки баравар камлиги аниқланди. Бу тажрибадан олимлар шундай хулосага келдилар: юрак касалликларига парҳез, кашандалик ва руҳий зарбалар қаторида эрқалаш ва ардоқлашининг етишмаслиги ҳам таъсир кўрсатади.

ЭЪЛОНЛАР

Давлат "Узкиммаркет" маркетинг фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Барча даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

А. Н. Сафовичга 1988 йил ТАЙИ томонидан берилган N ПВ 822742 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Янгийўл" узумчилик — виночилик агросаноат фирмаси жамоаси виночилик заводининг собиқ директори

Отaxon Максумович

АБДУНАЗАРОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жамгарма банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти ва касаба уюшмаси Зангиота туманидаги 3630-сон Жамгарма банк бўлими бошқарувчиси Қобул Муротович Шобурхонов отаси

Мурот ШОБУРХОНОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир:
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, ГСП, Тош-
кент шаҳри, Матбуот-
чилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий иш-
лар бўлими: 33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва бил-
дирувлардаги факт ҳамда да-
дилларнинг тўғрилиги учун
муаллифлар, реклама на
эълон берувчилар масъул-
дир.